

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси Ф.Эрманов Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) вакиллари билан “Суенли” канали тизимини реконструкция қилиш лойиҳасини муҳокама қилди

Қорақалпоғистон Республикасидаги “Суенли” канали тизимини реконструкция қилиш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил

8 августдаги 435-Ф-сонли фармойишига асосан Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) ҳамда Европа инвестиция банки (ЕИБ) иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган.

Лойиҳанинг Техник иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш учун 2022 йил 14 декабрда Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ҳамда “Ўзсуввойиҳа” АЖ ўртасида 40-22-сонли шартнома имзоланган. Мазкур шартномага кўра лойиҳа институти томонидан фақат “Суенли” каналининг 96 км қисми ишлаб чиқилмоқда.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

Жорий йил 9-16 март ва 31 май кунлари ФТА ва ЕИБнинг миссияси Ўзбекистонга ташриф буюриб, ташриф давомида миссия вакилларига Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши таниширилди ва ТИАни ишлаб чиқиш учун тасдиқланган техник топшириқ ҳамда “Ўзсуввойиҳа” АЖ томонидан бугунги кунга қадар бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Бунга жавобан, миссия вакиллари томонидан “Суенли” канали бўйича лойиҳаолди ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг, уларга тақдим қилиниши ва ўз навбатида ФТА ва ЕИБ томонидан ушбу ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, лойиҳа таркибига ижтимоий, атроф-муҳит, гендер, аҳолини кўчириш, канал тизимидағи фермер хўжалигигача бўлган иккиласалари каби қўшимчалар киритилиши, бунинг учун ФТА томонидан тиклаш масалалари каби қўшимчалар киритилиши, бунинг учун ФТА томонидан

грант маблағлари ҳисобига консалтинг компанияси жалб қилиниб, лойиҳанинг якуний ТИАси ишлаб чиқилиши таъкидланди.




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

Шу билан бирга Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) ҳамда Европа инвестиция банки (ЕИБ) томонидан 2023 йил 21 сентябрда “SCP”, “Info Capital Group” ва “Rahmanov Partners” билан шартномалар имзоланган бўлиб, лойиҳа ТИАси “Ўзсуввойиҳа” АЖ ҳамда “SCP”, “Info Capital Group” ва “Rahmanov Partners” консультантлари томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати - Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра лойиҳа қиймати 100,0 млн.евро.

Лойиҳанинг амалга ошириш муддати - 2024-2028 йиллар.

Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудлар: Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош, Хўжайли, Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот ва Мўйноқ туманлари.

Лойиҳа доирасида “Суенли” каналининг 96,6 км қисми ва “Параллел” каналининг 36,0 км қисмини бетонлаш, “Суенли” канлани бош сув олиш иншоотини реконструкция қилиш, мавжуд 196 дона гидротехник иншоотларни қайта тиклаш, сувнинг ҳисобини юритиш учун SCADA тизимини жорий қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари “Суенли” каналининг сув ўтказиш қобилиятини 75 м3/сек дан 130 м3/сек га ҳамда “Параллел” каналининг сув ўтказиш қобилиятини 100 м3/сек дан 140 м3/сек га ошириш орқали Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти оғир бўлган 209,2 минг гектар суфориладиган ер майдонларига кафолатли сув етказиб бериш, шунингдек каналларнинг фойдали иш коэффициентини ўртача 15-30 фоизга қадар ошириш режалаштирилган.